



ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ Қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш

Файзуллаева Тамара Хамидуллаевна

Қорақалпоқ давлат университети
«Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар» кафедраси
доценти в.в.б

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6369494>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 14-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

Тиббий йўсиндаги
мажбурлов чоралари,
ҳуқуқий таъсир чораси,
руҳий касаллик

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш масалалари ва бу масалалар бўйича Жиноят қонунда кўрсатилган моддалар таҳлил қилинган

Фуқораларнинг эркинлиги ва қонуний манфаатларига қилинган ҳар қандай тажовузлар жамият учун хавф солади. Шунга қарамасдан, қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар хил бўлганлиги боис, давлатнинг ҳимоя қилиш услублари ҳам турличадир. Маълумки, шахс жиноятдан бошқа ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса, унга нисбатан алоҳида ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Масалан, амалдаги қонунимизга биноан, руҳий касалликка чалинган, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан - тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 95-моддасига кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш масаласи шифокор психиатрлар комиссиясининг ҳулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг

даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чораси ҳисобланмайди ва жазолаш мақсадини кўзламайди, шахсни даволаш мақсадида қўлланилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан фарқ қилиб, суд томонидан унинг



муддатлари белгиланмайди¹. Бу мажбурлов чорасини қўллашнинг давомийлиги руҳий касаллик даражасига, хасталикнинг давомийлигига, даволаш методи ва унга нисбатан руҳий таъсир этишига ҳамда бошқа қатор ҳолатлар билан боғлиқ бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари узайтирилиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши фақат суд томонидан амалга оширилади. Қонунга мувофиқ, мажбурий даволаниш муддатининг узайтирилиши шахс даволанаётган руҳий касалликлар муассасаси шифокорларидан иборат комиссия хулосаси асосида амалга оширилади. Мажбурий даволанишнинг аниқ бир турини тайинлаш учун асос бўлган шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати ўзгармаса, ёки жиддий ўзгаришлар содир бўлмаса, мажбурий даволаниш узайтирилади². Яъни, руҳий касал аҳволининг яхшилиниши ёки ёмонлашуви билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддати узайтирилади. Муддатни узайтириш шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасининг пасайганлиги ёки ўсганлигига боғлиқ бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини узайтириш суднинг

ваколатига киради, бу эса руҳий касалликка чалинган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиради, чунки судга ушбу чоралар асоссиз равишда узайтирилганлиги устидан шикоят берилиши мумкин³. Шундай қилиб, жиноят қонунида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш масаласини ҳал қилишда шифокор-психиатрларнинг жавобгарлиги кучайтирилади. Жиноят ҳуқуқи курсида тўғри таъкидланганидек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш борасида суд уларнинг давомийлигини белгилаб бермайди, чунки шахснинг соғлиғини даволаш ёки яхшилаш учун зарур муддат кўрсатилиши мумкин эмас⁴.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини узайтириш учун асос сифатида ушбу шахсларнинг бошқа жиддий зарар етказиши ёки ўзи ёхуд бошқа шахслар учун хавфлилиги белгиланган, бу эса тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар йўқлигини англатади⁵. Бошқача айтганда, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини уларни тайинлаган асосларда узайтириши мумкин.

¹ Колмаков П. Понятие и сущность принудительных мер медицинского характера // Уголовное право, 2003. - №3. - С.27.

² Мурталибоев Ш.А., Абдулқосимов Ф.Б., Харабара Г.И., Ахмедов С.А. Профилактика общественно – опасных действий со стороны психически больных и применение принудительных мер медицинского характера к психически больным, совершившим общественно опасные деяния. Методические рекомендации. Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. - Ташкент., 2000. – С. 464 – 474.

³ Ершов Ю.Л. Что делать, если человеку грозит применение принудительных мер медицинского характера // Юрист, 2008. - №1. – С. 44-46.

⁴ Курс уголовного права. Том 2. Общая часть. Учение о наказании. Под ред. Н.Ф. Кузнецовой., И.М.Тяжковой. – М.: Зерцало. 2002. – С.352.

⁵ Давлетов А.Ж. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш (Ўқув - услувий қўлланма). - Тошкент. 1999. – Б. 39.



Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ўзгартирилиши – бу суд томонидан аввал белгиланган мажбурий даволаш турининг ўрнига бошқасини қўллашдир. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ўзгартирилишига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг соғайганлиги ёки унинг соғлиғи ўзгариб, руҳий касал бўлса-да, шахснинг суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга муҳтож эканлиги ёхуд бу хилдаги чораларга муҳтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзгартиради⁶. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш пайтидаги касалнинг ҳолати, ўтказилган терапияга қарамасдан, ёки яхшиланиши, ёки ёмонлашиши мумкин. Кейинги ҳолатда бу шахснинг ижтимоий хавфлилигининг кучайишига олиб келади ва бошқа, қаттиқроқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш заруратини белгилаб беради (масалан, умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимидан умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимига кўчириш).

Мажбурий равишда даволанган шахснинг соғлиғи яхшиланганда, мажбурий даволаш турини ўзгартириш босқичма-босқич амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолда суд имкон қадар даволаш турини кескин ўзгартирмаслиги керак, чунки даволаш

жадаллигини босқичма-босқич камайтириш шахс соғлиғи ёмонлашувининг олдини олади ва бемор аҳволининг яхшиланишига имкон беради, шахснинг ижтимоий мослашуви самарасини оширади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзгартириш учун «бошқа тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш зарурати пайдо бўлиши» ва «илгари тайинланган чорани қўллаш учун зарурат бўлмаслиги» шарт. Кўпинча бу касал руҳий ҳолатининг яхшиланиши натижасида юз беради. Лекин мажбурлов чорасини ўзгартиришга руҳий ҳолатнинг ёмонлашуви ҳам сабаб бўлиши мумкин⁷. Мажбурий даволашни қаттиқроқ турига ўзгартиришда судлар зарурат ва етарлилик принципларидан келиб чиқади ва ҳаддан ташқари қатъий чорани тайинлашдан қочиши лозим, бу эса инсонпарварлик принципига мос келади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тугатиш учун «тайинланган чорани қўллашга зарурат қолмаганлиги», яъни «ушбу шахслар томонидан бошқа жиддий зарар етказилиши ёки ўзи ёхуд бошқалар учун хавф тўғдириш эҳтимоли» бартараф этилган бўлиши лозим. Бир қарашда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилишнинг энг тушунарли асоси «соғайиш», яъни сурункали руҳий касаллик ёки вақтинчалик руҳий касаллик ёки ақли

⁶ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси

Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти. - 2018. – Б.326-329.

⁷ Комментарий к Уголовному кодексу РФ/Под общ.ред.Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1999. – С.219.



заифлик ёки руҳиятнинг бошқа тарзда бузилганлик ҳолатлари тўла ва бутунлай йўқолганлиги ҳисобланади⁸. Таъкидлаш жоизки, жиноят содир этган ва ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалинганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда, суд шахс руҳий касал бўлган босқичидан бошлаб, умумий тартибда иш юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим. Бундай ҳолда иш юритишни тиклаш шахснинг қилмишида жиноят таркиби аломатлари бўлгандагина, хусусан жиноят содир этганидан кейин, ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалинганида йўл қўйилади. Акс ҳолда, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тугатиш ёки ўзгартириш ва умумий тартибда иш юритишни тиклаш масалаларини судда кўриб чиқишга, ЖПКнинг 580-моддасига мувофиқ, қўйидагилар сабаб бўлади:

- мажбурлов чораси тайинланган шахс сақланаётган тиббий муассаса маъмуриятининг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган илтимосномаси;

- прокурорнинг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган тақдимномаси;

- мазкур шахснинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ёки бошқа манфаатдор фуқароларнинг, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва

жамоаларнинг илтимосномаси.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тугатиш ёки ўзгартириш, шунингдек, умумий тартибда иш юритишни тиклаш масалалари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган ёки ушбу чора қўлланаётган жойдаги суд томонидан кўриб чиқилади⁹.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тугатиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда, такрорий илтимоснома, рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, агар ижтимоий хавfli қилмишни содир қилган шахсга нисбатан қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки тугатиш ҳақидаги тиббий муассасанинг тақдимномасини кўриб чиқишда судлар нафақат тақдимноманинг асосли эканлигини, балки кейинчалик шахснинг қандай шароитларда даволаниши, қандай мутахассислар назорати остида бўлиши ва бошқа масалаларни синчковлик билан текшириш учун зарур ҳолларда суд мажлисига тиббий муассаса вакиллари, касалнинг яқин қариндошлари ва бошқа қонуний вакиллари чақирилиши лозимлигига ҳам эътибор беришлари керак.

⁸ Курченко В.Н. Применение принудительных мер медицинского характера // Уголовный процесс, 2008. - №7. - С. 26-34.

⁹ Скибинский А.В. Процессуальные аспекты применения принудительных мер медицинского характера // Уголовный процесс, 2008. - №5. - С. 35-39.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Колмаков П. Понятие и сущность принудительных мер медицинского характера // Уголовное право, 2003. - №3. – С.27.
2. Мурталибоев Ш.А., Абдулқосимов Ф.Б., Харабара Г.И., Ахмедов С.А. Профилактика общественно – опасных действий со стороны психически больных и применение принудительных мер медицинского характера к психически больным, совершившим общественно опасные деяния. Методические рекомендации. Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. -Ташкент., 2000. – С. 464 – 474.
3. Ершов Ю.Л. Что делать, если человеку грозит применение принудительных мер медицинского характера // Юристъ, 2008. - №1. – С. 44-46.
4. Курс уголовного права. Том 2. Общая часть. Учение о наказании. Под ред. Н.Ф. Кузнецовой., И.М.Тяжковой. – М.: Зерцало. 2002. – С.352.
5. Давлетов А.Ж. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш (Ўқув - услувий қўлланма). - Тошкент. 1999. – Б. 39.
6. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти. - 2018. – Б.326-329.
7. Комментарий к Уголовному кодексу РФ/Под общ.ред.Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1999. – С.219.
8. Курченко В.Н. Применение принудительных мер медицинского характера // Уголовный процесс, 2008. - №7. – С. 26-34.
9. Скибинский А.В. Процессуальные аспекты применения принудительных мер медицинского характера // Уголовный процесс, 2008. - №5. – С. 35-39.